



# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

Абдикаримова Зухра Баҳромовна,  
таянч докторант, Урганч давлат университети,  
ORCID: 0000-0003-3689-853X, e-mail: Venus\_0204@mail.ru

**Аннотация.** Юқори иқтисодий ўсишга эришишда мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражаси асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда таълим тизими учун замонавий инфратузилманинг мавжуд бўлиши, шу билан бир қаторда, мавжуд инфратузилма обьектларида самарадорликни таъминлаш ва бошқарувнинг янги, инновацион усулларини кўллаш заруриятини келтириб чиқаради. Мақолада таълим тизимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва уни самарали ташкил қилишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг аҳамияти кўрсатиб берилган. Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг дунёнинг кўплаб мамлакатлари таълим тизимида ташкил этилиши ва ушбу муносабатларининг таълим тизимида амал қилиши ўйналишлари баён этилади. Қайд этилган ўйналишларда шерикчилик муносабатларини амалга оширишнинг устувор жиҳатлари ва унга эришишда ҳукумат аниқлик киритиши лозим бўлган масалаларга тўхталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** таълим тизими, таълим са- марадорлиги, инфратузилма, давлат-хусусий шерикчилик, хусусий сектор, инновация.

## НАПРАВЛЕНИЯ И ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Абдикаримова Зухра Баҳромовна,  
базовый докторант,  
Ургенчский государственный университет

**Аннотация.** Уровень грамотности населения страны является одним из ключевых факторов достижения высоких показателей экономического роста и построения сильной экономики. Это, в свою очередь, обуславливает не-

## Кириш

Мамлакат аҳолисининг турмуш дараҷаси кўп жиҳатдан фуқароларнинг эгаллаши мумкин бўлган билим даражалари га боғлиқ. Пировардида эгалланган билимлар миллий ривожланиш жараёнини тезлаштиришга замин яратади. Жамият ривожланишига қараб даромад манбаи сифатида билимлар, инновациялар ва уларни қўллаш усуллари кўпроқ амал қиласиди. Иқтисодий ривожланишда билим биринчи даражали аҳамият касб эта бошлиши ижтимоий ҳаётда таълимнинг ўрни, таълим ва иқтисодиёт каби соҳаларнинг ўзаро нисбати бутунлай ўзгаришига олиб келади. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ахборот ва назарий билим мамлакатнинг стратегик ресурслари ҳисобланади ҳамда таълимнинг ривожланиш даражаси билан бир қаторда, унинг суверенитети ва миллий ҳавфсизлигини кўп жиҳатдан таъминлайди [1].

Инсон ҳукуқлари бўйича халқаро асосларга, хусусан, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисидаги” Халқаро пакт ва “Бола ҳукуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга биноан [2], давлатлар таълим олиш ҳукуқини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш, шу жумладан, уларга кўмаклашиш мажбуриятини олади.

Халқаро Конвенцияга биноан, ҳар бир давлатда таълим бўйича амал қилиши керак бўлган 4 та тамойил мавжуд (1-расм)



ва бу “4 А” принципи (Aviability – мавжудлик, Accessibility – қулайлык, Acceptability – мақбуллик, Adabtability – мослашувчанлик) деб аталади [3]. Ўз навбатида, бу та-мойиллар жамиятда шахсларнинг етарлича таълим олиш шароитлари ва албатта, сифатли таълимга эга бўлиши, яъни бунда таълим тизими тўғри йўлга қўйилган бўлиши, етарлича инфратузилмаларнинг мавжудлиги, бошқарувнинг инновацион усулларига аҳамият қаратилиши, таълимнинг коррупциядан холи бўлиши, шу билан биргаликда, ходимлар, талабаларни қўллаб-қувватлаш учун етарлича молиявий манбаларга эга бўлиши лозимлигини тақозо этади.

Дунёнинг замонавий манзарасида кўплаб мамлакатларда таълим тизимини етарлича инфратузилма билан таъминлаш, молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топиш ва таълим соҳасида бошқарувнинг самарали усулларидан фойдаланишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тобора ривожланиб, янги мазмун касб этмоқда [4]. Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари инфратузилма билан боғлиқ хизматларни кўрсатишнинг миқдор жиҳатдан кўпайиши ва сифат жиҳатдан яхшилаш борасидаги давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар мажмуидир [5].

Ўз навбатида, бу муносабатлар дунё миқёсида таълим тизимида кенг кўламдаги ўзгаришларга сабаб бўлиб, кўплаб мамлакатларнинг тараққиёт йўлини белгилаб бермоқда. Ушбу мамлакатларда таълим хизматлари ва инфратузилмага бўлган талабларни қондириш ҳамда уларнинг сифатини таъминлаш, энг асосийси, чекланган бюджетдан оқилона фойдаланиб, фуқароларни сифатли таълимга қамраб олиш, мамлакатда илм-фанни ривожлантириш масалаларини ҳал этишда ушбу ҳамкорлик муносабатлари ўзининг муҳим аҳамиятини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги

обходимость наличия современной инфраструктуры системы образования в стране, а также необходимость обеспечения эффективности функционирования существующих инфраструктурных объектов и использования новых, инновационных методов управления. В статье освещается роль системы образования в социально-экономической жизни страны и значение государственно-частного партнерства в ее эффективной организации. Также проанализированы организация государственно-частного партнерства в системе образования большинства стран и направления их развития в системе образования. Указанные направления основаны на преимуществах партнерства и аспектах, которые необходимо прояснить правительству для их реализации.

**Ключевые слова:** система образования, эффективность образования, инфраструктура, государственно-частное партнерство, частный сектор, инновации.

#### DIRECTIONS AND ADVANTAGES FROM DEVELOPING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS IN THE EDUCATION SYSTEM

**Abdikarimova Zuhra Bakhromovna,**  
Doctoral Student, Urgench State University

**Abstract.** The level of literacy of population of the republic is one of the key factors for achieving high rates of economic growth and building a strong economy. This, in turn, necessitates the availability of modern infrastructure of the education system in the country, as well as the need to ensure effectiveness of the existing infrastructure and the use of new, innovative management methods. The article highlights the role of the education system in the socio-economic life of the republic and the importance of public-private partnership in its effective organization. It also describes organization of public-private partnerships in the education system of most countries and the direction of these relations in the education system. The mentioned areas will focus on the benefits of partnership and the issues that the government needs to clarify in order to achieve it.

**Keywords:** education system, education efficiency, infrastructure, public-private partnership, private sector, innovation.

ПФ-60-сон Фармонида ҳам таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади. Фармоннинг 2-иловаси билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, дав-



### 1-расм. Таълим бўйича амал қилиши керак бўлган “4 А” принципи

лат-хусусий шерикчилик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шерикчилик лойиҳалари ни амалга ошириш режалаштирилмоқда. 2022–2026 йиллар давомида таълим соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган 6 та йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Бунда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг таълим тизими учун асосий йўналишлари ва устуворликларини аниқлаб олиш, шунингдек, шерикчилик муносабатларида ҳукumatнинг аҳамият қартиши лозим бўлган масалаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар таҳлили

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчаси таълим тизими га яқинда кириб келган бўлишига қарамасдан, сўнгги йилларда таълим тизимида ушбу муносабатларнинг аҳамияти борасида тадқиқотлар сони ошиб бормоқда. С. Роберсон ва А. Вергер ўзининг “Таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари: янги иштирокчилар ва глобализация шароитида бошқарувнинг янги модели” (“Public private partnerships

in education: new actors and modes of governance in a globalizing world”) китобида ушбу муносабатларнинг таълим тизимига таъсири ва аҳамиятини кенг миқёсда ёритиб бериб, қуидаги фикрларни билдириб ўтган: “Турли хил шароитларда ДХШ муносабатлари аҳолининг барча қатламларига таълим бериш, айниқса, аҳолининг энг заиф қатламларига янги таълим имкониятларини тақдим этишда инновацион ёндашув сифатида қабул қилинади. Кўплаб ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва бошқа таълим соҳасидаги ташкилотлар хусусий шерик билан ҳамкорлик қилиш орқали ўзларининг таълим тизимини янада самарали, мослашувчан ва мақсадга мувофиқ усулда кенгайтиришлари мумкин, деб ҳисоблашади. Ушбу муносабатлар кўп қиррали, замонавий кўринишга эга, ҳар қандай ҳолатга тайёр бўлиб, инновацион ечимлар сифатида жозибали кўриниш касб этади, шу билан биргаликда, лойиҳаларни амалга оширишнинг қизиқарли ва ғайратли усулидир [6].

Норман Ларок ва Сена Ли фикрига кўра, таълим соҳасида ДХШдан фойдаланиш таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам бериш орқали мамлакатлар учун жуда катта фойда келтириши мумкин. Давлат секторида бутун бир аҳолининг си-



фатли таълим олишини молиялаштириш ва таъминлашда катта миқдордаги ресурс чекловлари мавжуд. ДХШ лойиҳаларини тақдим этиш орқали таълим соҳасига кўшимча маблағлар жалб этилиши давлат томонидан қондирилмаган бўшлиқларни тўлдиради. Шунингдек, ушбу муносабатлар давлат мактабларида таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётган жиҳатлардан бирига – синфларда ўқувчилар сонини нисбатан камайтиришга ёрдам беради [7].

Ромита Митра Ковид-19 инқирози даврида сифатли таълимни таъминлаш учун давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг ролига аҳамият бериб, таълим хизматларини етказиб беришнинг анъанавий усулида катта камчиликлар мавжуд эканлиги, таълим тизимининг тезда оёққа туриб кетишида ушбу муносабатларни ривожлантириш масаласига аҳамият қаратиш лозимлигини уқтиради [8].

Шу ўринда Жаҳон банки томонидан билдирилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринлидир: “Минг йиллик Ривожланиш мақсадларини амалга ошириш қийин бўлган минтақалардан бири Африкада хусусий сектор давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида иштироки орқали таълимдан фойдаланиш имкониятлари ва сифатини кенгайтирди. Янги хусусий провайдерлар давлат мактабларига қараганда қулайроқ ўқув муҳитини таклиф этиш орқали ўз мақсадларига эришмоқдалар”.

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилигига асосий эътибор давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг аҳамиятига тўхталиб ўтилган бўлиб, бунда уларнинг амал қилиш йўналишлари ва таълим тизимида самарали шерикчилик омиллари кам ўрганилганлигини кузатиш мумкин.

### Материал ва методлар

Ўзбекистон таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик тушунчаси мутлақо янги тушунчалардан бири бўлиб, шу сабабли ушбу муносабатларнинг ижтимоий-иктисодий аҳамиятини ўрганиш борасида хорижий адабиётларни таҳлил

қилишда илмий тадқиқот методологиясидаги мавжуд назарий-эмпирик тадқиқот методлари қўлланилди. Таълим тизимида ушбу муносабатларнинг йўналишларини аниқлаб олишда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат-хусусий шерикчиликнинг амал қилиш доираси кўриб чиқилди ва шулар асосида шерикчилик фаолияти йўналишлари ажратиб олинди. Шу билан бир қаторда, тадқиқот методларидан анализ ва синтез, таққослаш, дедукция ва абстракциялаш усулларидан кенг фойдаланилди.

### Тадқиқот натижалари

Бозор иқтисодиётининг заиф томонлари ва даромадлар тенгизлизигининг мавжуд бўлиш хавфи ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида давлат ролини тақозо этади. Лекин аҳоли сонининг ошиб бориши ва сифатли таълим хизматларини тақдим этишнинг зарурияти бу борада давлат бошқарувининг инновацион дастурларини амалга ошириш ва бир қатор вазифаларни бажаришни талаб қиласи. Бунда давлат ва хусусий сектор манбаатларининг уйғунлигини таъминлаш ҳамда уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш таълим натижаларини ошириш ва юқори даражада таълим хизматларини етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, замонавий жаҳон тажрибаси сўнгги йилларда таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари учун керакли инфратузилмани таъминлаш, таълим тизимида бошқарувнинг янгича усулини жорий этишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тобора ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хусусий секторнинг таълим соҳасидаги иштироки дунё миқёсида ўтган 20 йил мобайнида драматик равишда ўсиб борди. Айниқса, ушбу муносабатлар Буюк Британия, Америка, Канада, Австралия, Корея, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб мамлакатлар таълим соҳасида муваффақиятли қўлланилган. Қайд этилган мамлакатларда шерикчилик муносабатлари қуйидаги йўналишларда ривожланмоқда (1-жадвал).



**Ривожланган давлатларда ДХШ нинг таълим тизимидағи йўналишлари**

№	Давлат номи	ДХШ таълим тизимидағи йўналиши
1	Америка	Америкада таълим муассасаси мулк ҳуқуки давлат ихтиёрида сақлаб қолинади, лекин мулкни бошқариш хусусий секторга ўтказилади. Шу билан биргаликда, ушбу мамлакатда кам таъминланган аҳолини таълимга қамраб олиш мақсадида давлатнинг ваучер өсбидия дастурлари мавжуд [9].
2	Буюк Британия	Буюк Британияда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари хусусий-молиявий ташаббус номи билан аталиб, хусусий секторнинг асосий вазифаси <i>инфратузилмани қуриш, молиялаштириш ва бошқаришдан</i> иборат бўлиб, давлат билан шериклика 30 йиллик шартнома асосида амалга оширилади. Шунингдек, капитал харажатларнинг 10 фоизини ташкил этувчи шахслар, жамоат ёки хусусий бизнес ташкилотлари, диний ташкилотлар ёки ННТ томонидан “ҳомийлик қилинадиган” мактаблар мавжуд. Бу давлатда <i>бизнес ва университетлар тадқиқотлари ўртасидаги шерикликни амалга оширишда LINK дастури</i> муҳим роль ўйнайди. Ушбу дастур 200 дан ортиқ университетлар ва кичик, шунингдек, ўрта бизнес тармоғини ўзида қамраб олади [10].
3	Канада	Канадада ҳукумат томонидан қурилган бир нечта мактаблар мавжуд бўлиб, муассасаларни бошқариш учун 10-20 йил давомида хусусий секторга ижарага берилади [9].
4	Австралия	Хусусий сектор таълим бошқармаси томонидан белгилаб берилган стандартлар асосида давлат таълим муассасаларини молиялаштиришда иштирок этади. Шунингдек, <i>биноларни тозалаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, коммунал хизматлар, мебель ва жиҳозлар билан таъминлаш</i> каби масалалар хусусий сектор томонидан амалга оширилади [9].
5	Хинди斯顿	Таълим муассасаси хусусий сектор томонидан қурилади <i>ва бошқарилади</i> . Ўқитувчилар ойлиги давлат томонидан тўлаб берилади. Шунингдек, Хинди斯顿да қизларнинг таълимга қамраб олиниши <i>ва хорижий тилларни ўрганишида</i> , таълим сифати ва янги педагогик технологияларни кўллашда хусусий таъминотчилар етакчи ўринни эгалламоқда [11].
6	Жанубий Корея	Хусусий сектор <i>инфратузилмани қуради ва молиялаштиради</i> , лойиҳа тугагандан кейин эгалик ҳуқуки давлатга ўтказилади. Шу билан биргаликда, Кореяда таълим сифати ва ижтимоий тенгликни таъминлаш мақсадида <i>давлат субсидия дастурлари</i> амал қилади [9].
7	Германия	Германияда давлат ва хусусий сектор ўртасида шериклик муносабатлари <i>инфратузилмани лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш ва бошқариш борасида</i> 20-25 йил муддат давомида амалга оширилади [13]. Шунингдек, хусусий сектор томонидан техник хизмат кўрсатиш, тозалаш ва комуннал хизматлар тақдим этилади [14].

Жаҳон тажрибаси ва таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкин-ки, бизнинг фикримизча, таълим соҳа-сида шериклик фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади (2-расм).



**2-расм. Таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик фаолияти йўналишлари**

*Инфратузилмани ташкил этиш.* Бунда давлат-хусусий шерикчилик асосида таълим фаолиятини самарали амалга ошириш учун лозим бўлган инфратузилмани (таълим биноси, талабалар турар жойи, лабораториялар, спорт мажмуалари, илмий тадқиқот муассасалари) ташкил этиш масаласига аҳамият қаратилади. Бу шерикчилик муносабатларидағи муҳим йўналишлардан бири ҳисобланиб, бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга йўналтирилган шерикчилик инвестицион лойиҳаларини амалга оширишдан иборатdir.

*Давлат таълим муассасалари мулкни башқариш.* Давлатга тегишли бўлган таълим муассасаси мулкни, шартномавий шаклларнинг биридан фойдаланган ҳолда, таълим муассасаси манфаатини кўзлаб бошқариш, давлатга тегишли мавжуд мулкни хусусий таъминотчи томонидан модернизациялаш, ижарага бериш ва ундан фойдаланиш.

*Таълимда хизматлар аутсорсинги.* Таълимда хизматлар аутсорсинги, ўз навбатида, икки қисмдан иборат бўлиб, у бевосита

таълимга алоқадор хизматлар ва билвосита хизматларни қамраб олади. Таълимга алоқадор хизматлар хусусий сектор билан биргаликда ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқиши, ўқув дарслеклари, ўқувчи-талабалар билимини назорат қилиш тизимининг ишлаб чиқилиши, педагог-ўқитувчилар малакасини ошириш борасида дастурлар ҳамда амалий касбий таълим машғулотлари сифатини яхшилаш, таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтиришдан иборат. Шу билан бир қаторда, таълим жараёнида сифатни таъминлаш борасида бошқарувнинг инновацион усулларини ривожлантиришга эътибор қаратилади. Билвосита хизматлар аутсорсинги таълим олувчилар учун ошхона, транспорт, ўқув хоналарини тозалаш билан боғлиқ хизматларни қамраб олади.

*Таълимни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлаш.* Таълим муассасасининг капитал ва жорий харажатларини молиялаштириш, талабалар учун стипендиялар ажратиш, грант дастурларини ташкил қилиш ва молиялаштириш, таълим кредитлари ва таълим соҳасида фаолият



юритаётганлар учун турли имтиёзли кредитларни жорий этиш, таълим муассасаси ходимлари учун турли рағбатлантирувчи маблағларни шакллантириш.

*Илмий-тадқиқот ва илмий-амалий фоалият.* Шериклик асосида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни ташкил қилиш, молиялаштириш, технополис ва технопарклар яратиш,

инновацион типдаги корхоналар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар, технологиялар трансфери марказларини шакллантириш [12].

Бизнинг фикримизча, юқоридаги фоалият йўналишларида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг таълим тизимида йўлга қўйилиши қатор устуворликлар касб этади (3-расм).

### Таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга оширишнинг устун жиҳатлари

Хусусий сектор томонидан киритиладиган катта миқдордаги инвестициялар ҳисобига молиявий чекловларни бартараф этиш имконияти вужудга келади.

Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида зарур бўладиган таълим инфратузилмасини (таълим биноси, талабалар тураг жойи, лабораториялар, спорт мажмуалари, илмий тадқиқот муассасалари) таъминлайди.

Бошқарувнинг янги методларини кўллаш имкониятининг мавжудлиги туфайли таълим сифатини юқори даражага олиб келиши мумкин.

Таълимнинг коррупциядан холи бўлишига кўмаклашади (кўплаб тадқиқотларда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари коррупциянинг камайишига ёрдам бериши кўрсатиб ўтилган).

Тадқиқотлар ва ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида молиявий манбаларнинг ортишига ёрдам беради (хусусий ва давлат секторлари бир-бирини тўлдирганилиги сабабли умумий ресурс базаси ошади).

Хукумат томонидан очиқ тендер усули ёрдамида хусусий шерикнинг танлаб олиниши ҳукуматга таълим сифатига қўйиладиган маҳсус талабларни белгилаб қўйишга имкон беради.

Тадқиқот ишларини тижоратлаштиришда юқори даражага эришилиши мумкин (илмий тадқиқотлар ва ишлабчиқариш ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш).

Давлат-хусусий шерикчилик шартномаси асосида таълим хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ таваккалчилик хатарларининг давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланишининг юқори даражаси.

### 3-расм. Таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга оширишнинг устун жиҳатлари

#### Хулосалар

Таълим тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳаётида ва таълим хизматларини етказиб беришда муҳим роль ўйнайди. Давлат

бюджетининг чекланганлик шароитида ҳамда аҳолининг таълим сифати ва нормал ҳаёт кечиришга бўлган талабининг чексизлик ҳолатида ушбу муносабатларни ривожлантириш мамлакат таълим тизими учун асосий вазифа бўлиб қолади. Ше-



рикчилик муносабатларининг ҳамоҳанглигини таъминлаш мамлакат таълим тизимидағи муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида давлат ва бизнес кенг кўламли масалалар, жумладан, бугунги кун тартибидаги ва ҳозирги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифалар, шу билан биргалиқда, иқтисодий муаммоларни бартараф этишда иккала томон ҳам ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир ва бу, ўз навбатида, жамият ривожида ўзига хос устуворликлар касб этади.

Келтирилган устун жиҳатлардан қандай фойдаланиш ҳар бир мамлакатда давлатнинг назорат механизми, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга бўлган лаёкати ва умуман олганда, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини қандай олиб боришга боғлиқ. Бунда ҳукумат қўйидаги масалаларга аниқлик киритиб олиши лозим:

- миллий таълим стратегиясида хусусий таъминотчининг ўрнини аниқлаб олиш. Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида давлат хусусий шеригининг соҳадаги нисбий харажатлари ва фойдали

томонлари, шунингдек, ўзининг муносабатлардаги муносиб ўрнига баҳо бериши лозим;

- хусусий сектор фаолияти кафолатини таъминлайдиган аниқ мақсадли ва ишончли критерияларни ўрнатиш;

- таълим тизимини молиялаштириш масаласида давлат сектори ва хусусий сектор маблағларининг интеграциясида аниқ мақсадлилик ҳамда масъулиятлиликни таъминлаш;

- муносабатларда тенг таъсир қўрсатиш давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг табиати ва мавжуд бўлишининг асосий тамойилига айланиши керак;

- муносабатларда шаффофлик, мулк ҳимояси ва шартномавий талабларни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмнинг мавжуд бўлиши;

- давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари юзасидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг умумий моҳияти, ундаги тушунчаларнинг аниқлиги, шу билан биргалиқда, қонунлар ижроси юзасидан механизмнинг мавжуд бўлиши;

- давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ўрнатиш жараёни коррупциядан холи бўлиши лозим.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. 2018, December 28.
2. What Matters Most for Engaging the Private Sector in Education: A Framework Paper Systems approach for better education results. Working Paper Series. 2014, July, no. 8, p. 6.
3. Tomashevski K. Human rights obligations: making education available, accessible, acceptable and adaptable. Gothenburg. *Right to education primers*, 2001, no. 3.
4. LaRocque N. Public-private partnerships in basic education. *International Review*. Available at: [https://olcstage.worldbank.org/sites/default/files/CfBT\\_LaRocque\\_PPPs%20in%20Basic%20Education%20An%20International%20Review\\_0.pdf](https://olcstage.worldbank.org/sites/default/files/CfBT_LaRocque_PPPs%20in%20Basic%20Education%20An%20International%20Review_0.pdf).
5. A guidebook on public-private partnership in infrastructure. Economic and social Comission for Asia and Pacific. Bangkok, UNESCAP, 2011, p. 76. Available at: [www.unescap.org/](http://www.unescap.org/).
6. Robertson S.L., Verger A. Public private partnerships in education: New actors and modes of governance in a globalizing world. Available at: <https://www.researchgate.net/publication/292583612/>.
7. LaRocque N., Lee S. Non-state providers and public-private partnerships in education for the poor. UNICEF East Asia and Pacific Regional Office and Asian Development Bank, 2011.



8. Mitra R. COVID-19 is killing education budgets: are educational public-private partnerships an answer? *Journal of Professional Capital and Community*. ISSN: 2056-9548.
9. Patrinos H.A., Barrera-Osorio F., Guaqueta J. The role and impact of public-private partnerships in education. The International Bank for Reconstruction and Development. The World Bank, 2009.
10. Public-Private partnership in education. A report by Educational International, 2009.
11. Ansary M.Sh., Behera S.K. The role of Public-private partnership in education sector in India. *International journal of research in humanities, arts and literature*, 2018, iss. 8.
12. Varkulevich T.V., Pashuk N.R. Public-private partnership in education: features and prospects. *Revista san gregorio*, 2019, August, special iss. ISSN: 1390-7247.
13. German PPP Schools Study. The Global Infrastructure Hub (GI Hub). Available at: <https://www.gihub.org/quality-infrastructure-database/case-studies/german-ppp-schools-study-2019/>.
14. PPP Schools Frankfurt. Case study. German Federal Ministry of Finance. Available at: [https://unece.org/fileadmin/DAM/ceci/ppt\\_presentations/2011/TOS\\_PPP3/German\\_PPP\\_case\\_study.pdf/](https://unece.org/fileadmin/DAM/ceci/ppt_presentations/2011/TOS_PPP3/German_PPP_case_study.pdf/).

**Тақризчи:**

Салаев С.К., и.ф.д., Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари.